

ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2021 йил
7 апрель
ЧОРШАНБА
№ 27 (13380)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАРДАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САРИ



Вилоят ҳоқими Даврон Ҳидоятлов Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Бош Вазири ўринбосари, саноат ва савдо вазири Альберт Каримов ҳамда Нижегородск вилояти Губернатори Глеб Никитин билан учрашди. Бу ҳақда вилоят ҳоқимлиги Ахборот хизмати хабар бермоқда.

Ҳамкорлик

Унда Нурафшон шаҳри ҳудудида "Индустриал парк" куриш, транспорт, энергетика машинасозлиги ва тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш каби инвестиция лойиҳа-

ларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда улар юзасидан иккита меморандум имзоланди.

Нозимжон ИСМОИЛОВ
олган сурат

Вилоят ҳоқимлигида



Таҳлил чуқур бўлди, ХУЛОСАЛАР-ЧИ?

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Парламент юқори палатаси ишчи гуруҳининг Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида аҳоли билан ўтказилган юзма-юз мулоқотлари натижаси муҳокама қилинди.

Вилоятда аёллар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жойларда хотин-қизлар саломатлигини тиклаш, уларга тегишли соҳа мутахассислари томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир муаммолар ўз ечимини топмаётганлиги алоҳида қайд этилди.

— Ишчи гуруҳнинг вилоятга аввалги ташрифларида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги муаммоларни ўз вақти-

да бартараф этиш бўйича белгилаб берган вазифалар ижросига алоҳида эътибор билан қаралаётгани таъкидга лойиқ, — деди Сенат раиси. — Шу жумладан, 2020 йил 6 октябрь куни ўтказилган сайёр йиғилишда белгиланган вазифалар ҳам тизимли равишда бажарилмоқда. Бюджетга жами 445 миллиард сўм, шундан маҳаллий бюджетга 244 миллиард сўм қўшимча даромад манбалари аниқланди, 83,2 миллиард сўм қўшимча солиқ ҳисобланши таъминланди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Диққат, танлов!

Журналистлар, блогерлар, ОАВ ходимлари диққатига!

Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати вилоят ҳаётига доир телерадио, интернет ва босма нашрларда эълон қилинган материаллар танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов шартлари:

- материаллар Тошкент вилояти миқёсида аниқ бир соҳани қамраб олиши керак;
- материалларнинг жанри чегараланмаган;
- танловнинг ҳар бир иштирокчиси камида 5 та материал билан қатнашиши шарт;
- танловга материаллар 2021 йилнинг 15 июнига қадар @tanlov_oav_bot орқали қабул қилинади.
- Юборилган материалларнинг ҳақиқатан ҳам ОАВда эълон қилинганини тасдиқловчи маълумотнома тақдим этилиши шарт.

Асосий номинациялар:

1. Энг яхши теле-видео материал;
2. Энг яхши радио эшиттириш;
3. Энг яхши интернет материали;
4. Босма нашрларда чоп этилган энг яхши материал;
5. Энг яхши фотолавҳа.

Номинациялар ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

- 1-ўрин: 10 миллион сўм;
- 2-ўрин: 5 миллион сўм;
- 3-ўрин: 3 миллион сўм.

Тақдирлаш маросими 2021 йил, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотлар ва танловга тақдим этилган материаллар билан Тошкент вилояти ҳоқимлигининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали танишиб боришингиз мумкин.

Изоҳ: танлов материаллари 2021 йил 1 апрелдан кейин эълон қилинган бўлиши керак.

ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ва ШАФФОФ

Янгийўл шаҳар Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Янгийўл шаҳрида аҳоли сони йилдан йилга ортиб, айни пайтда 65 минг нафарга етган. Давлат хизматлари бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам шунга ҳамоҳанг ошаётир. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида Давлат хизматлари маркази томонидан қарий 13 мингга яқин хизматлар кўрсатилган. Янги бинода яратилган ша-

роитлар бу ерга келувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради.

— Марказ биносининг қурилишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилди, — деди марказ директори Валихўжа Холхўжаев. — Бу ахборот тизимларини идоралараро интеграция қилинишини кучайтириб,

маълумот кўрсатишни баҳолаб бориш мақсадида "QMATIC" қурилмалари тизими ўрнатилди.

Марказ биносидан Бош вазир қабулхонаси, нотариус ва адлия бўлимлари ҳам жойлашган.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Халқ депутатлари

Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ БЎШАБ ҚОЛГАН 36-“ОҚҚЎРҒОН” САЙЛОВ ОКРУГИГА ДЕПУТАТ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 93-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 36-“Оққўрғон” сайлов округига депутат сайловини ўтказиш 2021 йил 25 апрель (якшанба) куни этиб белгилансин.

Кенгаш раиси

Д. ҲИДОЯТОВ

Нурафшон шаҳри, 2021 йил 23 март

9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

БУЮКЛИК ва БАРҲАЁТЛИК САОДАТИ

“Қашқадарёнинг қадимги Кеш шаҳридан 13 чақирим оралиқ масофадаги Қўжа Илғор қишлоғида бундан салкам етти аср муқаддам ҳам ҳаёт қайнардир. Мусаффо ва сокин тунларнинг бирида Барлос уруғига қарашли қабиланинг обрў-эътиборли кишиларидан бўлган оқсоқол – Тарағай ғаройиб туш кўради. Тушида у кўлидаги катта ва ўткир қилчани осмонга қаратади, шу онда бутун коинот ёришиб кетади, оламни даҳшатли овозлар асир қилади. Тарағай бу туш таъбирини билмоқ учун донишманднинг хузурига ошиқади. Донишманд эса унга Аллоҳ томонидан жаҳонгир бир ўғлон ато этилишини башорат қилади. Ҳеч қанча фурсат ўтмай, яъни 1336 йилнинг 9 апрель санасида Тарағайнинг хонадонидан ўғил фарзанд дунёга келади. Унга Темур дея исм қўядилар...”



Оққўргон туманининг кўрғи кўриги, чиройига чирой кўшаётган сўлим мажмуалардан бири "Тарих ва ўлкашунослик" музейидир. Унинг қошида эса китобсевар, зуқко ва билимли ёшлар, умуман, китобга ошнолар учун ахборот кутубхона маркази ташкил этилган. Кутубхона 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, 27 мингдан зиёд китоб фондига эга. Ушбу зиё масканда бир неча йиллардан бери кутубхоначилик соҳасида ишлаб келаётган 2 нафар ходим – Лола Усарова ҳамда Гулноза Ҳаки-

Эиё маскани ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР ХИЗМАТИДА

Китоб инсоният ва жамият маданиятининг ажралмас бир қисми бўлиб, инсоният таракқиётининг ҳамма даврларида кишиларни тарбиялаш, уларнинг ақлий ривожланиш воситаси бўлиб келди. Юртбошимиз илгари сўрган 5 та муҳим ташаббусда ҳам ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш ва билим савиясини ошириш мақсадида китобхоналикни тарғиб қилиш ғоялари алоҳида илгари сурилган. Албатта, инсон тафаккурининг ривожланишида китоб ва ёзув доимо ҳамроҳдир.



мовалар фаолият олиб боришмоқда.

– Кутубхоначилик фаолиятини бошлаганимиз ҳам 33 йил бўлибди, – дейди марказ кутубхоначиси Лола Усарова. – Авваллари кутубхоналарга унчалик эътибор берилмас, керакли китоблар етишмас эди. Аммо, сўнгги йилларда барча жойларда кутубхона ва

кутубхонамизга келиб, китоб мутулаа қилиши, илм ўрганиши бизга ҳам завқ бағишлайди.

Китобхоналар бу ерда дам олиш имкониятига ҳам эгалар. "Тарих ва ўлкашунослик" музейи ва кутубхонадан ташқари, хотира майдонидagi очик шийпонлар, унинг атрофидаги 1,5 гектарлик бог бу ерга келган хар қандай одамнинг баҳри дилини очади. Булажак келин-куёвларимиз ҳам яқин кунларда мана шу мажмуада никоҳдан ўтишлари мумкин. Чунки, бу ерда туман ФХДЭ биносининг қурилиши ҳам тугалланмоқда.

Хожиакбар САДИБЕКОВ

Китобхоналик ҳафталиғи



Вилоятимизда "Китобхоналик ҳафталиғи" "Китоб эзуликка чорлайди" шиори остидаги тадбирлар билан бошланди. Вилоят "Турон" Ахборот кутубхона марказида ўтказилган очилиш тадбирида сўз олган вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи З. Эралиева, "Гулхан" журнали бош муҳаррири З. Хасанова, Ёзувчи ва драматург Қ. Норқобил китобнинг ёзилар маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти, инсон камолотидаги ўрни ҳусусида тўхталди.

Республика бўйлаб илк бора ўтказилган бундай кенг қўламадаги ҳафталик туманларда ҳам давом этмоқда. Хусусан, Янгийул шаҳрида "Энг яхши китобхона оила" танлови ташкил этилиб, унда "Лаззат" маҳалласидан иштирок этган Содиковлар оиласи 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳафталик доирасида китобхоналар танлови, назм кечалари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, китоб тақдиротлари, "Мақтабимга китоб совға қиламан" акцияси, ярмаркалар ўтказилиши режалаштирилган. "Китобхоналик ҳафталиғи" жорий йилнинг 9 апрелигача давом этади.

А. ХУСАНОВА
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Ажаб сирлар

Дунё синаотларга бой. Баъзан ҳаётда шундай ноёб, гайриятнинг ҳодисалар содир бўладики, беихтиёр хайрат бармоғинингизни тишлаб қоласиз.

Бундан анча йиллар аввал республика нашрларидан бирида чоп этилган "Шерлок Холмс... Букада яшаган" сарлавҳали мақолани ўқиганимда шундай бўлган эди. Унда Бука туманида яшаб ўтган Маматқул бобонинг га-ройиб ҳаёти ва фаолияти ҳақида ишончли далиллар асосида сўз борган. Гап шундаки, қишлоқда бирор ўғрилик ёки жиноят содир бўлса, ўғри муттаҳамнинг кимлигини аниқ айтиб берадиган Ма-

риндош, маҳалла-қўй, дусту ёрларнинг қай биридун ўзини қардор санаса, бурчларини адо этади. Эшагага миниб, қишлоқ айланганча, кимлардан-дир сўралмаган узорларни, кимларгадир айтилмаган ташаккурларни изҳор қилиб чиқади. Ҳатто, қабристонга бориб, гўрковга бор гапни очик айтиди, қабри қарердан кавлаш лозимлигини тушунтиради. Лаҳад оғзини ёпиш учун ўзи гувала куяди, қабрини суваш учун сомон ҳозирлаб қў-

Шерлок Холмс Бўкада яшамаган, ЛЕККИН...

мактул бобонинг доврғи тез орада ён-атрофга таралиб, машхур "изкувар" га айланади. Қишлоқда мелисага қарийб иш қолмайди. Ана шунинг учун бўлса керак, мақола муаллифи ярим ҳазил маънода қончир қилиб, машхур инглиз ёзувчиси Артур Конан Дойл асаридagi қилни қирқ ёрадиган изкувар Шерлок Холмснинг ҳаётдаги прототиби сифатида ўзимизнинг Маматқул бобони тасаввур қилиб кўради...

Очиги, мутулаадан сўнг ажабтову "изкувар" бува ҳақида хаёп қилатуриб, бир пайтлар қишлоғимизнинг ёши улғу қарияларидан эшитганим – қибрайлик Умархожи отанинг ҳаёти билан боғлиқ сирли воқеаларни эсладим. Синаот шуки, Умархожи ота ўз вақти қазосини куну соатига қадар аниқ айтиб берган. Агар хотирам панд бермаса, воқеа мана бундай бўлган. Ҳаётдан насубаси узилиб, омонатини топшириш фурсати етганини сезган отахон ёр-биродарларидан ризолик сўрашга, кўпчиликнинг кўнглини олишга ошиқади. Қон-қа-

Бизга ёзадилар

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Яқинда олти ойлик туғилган фарзандим Мадина Миртожиева оғир аҳволда Паркент туманидаги болалар шифохонасига тушди. Фарзандим чала туғилганлиги сабаб дард уни енгиб борарди.

Аҳволи оғирлашгач, тез ёрдам машинасида Республика шифолини тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалига олиб бордик. Малакали врачлар, ҳамширалар бор имкониятларини ишга солиб, фарзандимнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Шундан сўнг тез кунда тузалди. Одий бир она сифатида не машаққат билан дунёга келтирган фарзандим яна оиламга қайтганидан беҳад бахтиёрман. Хурматли тахририят ходимлари! Сизлардан шифо масканининг болалар реанимацияси бўлими мудири Азамат Омонов, реаниматолог Гулжаҳон Нигматова ва шу бўлимда ишлаётган Зилола, Наргиза каби ҳамшираларга миннатдорчилигимни етказсангиз. Доимо омон бўлиб, эл-юрт хизматида ҳормай-толмай ишлаб юришларига тилақдошман.

Покиза НИЁЗОВА
Паркент тумани



Ибодатхона ая бугун фарзандлари ва невараларига бош бўлиб, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Ҳожи онанинг хонадонига борганимизда ҳовли кўрғига кўрк кўшиб турган лолаларни кўриб дилимизда баҳорий шукҳ пайдо бўлди. Гулларга қандай қизиқиб қолганларини сўраймиз:

– Чолим гулларини парваришlash ва кўпайтиришнинг ҳадисини олган эди, – дея жавоб қилди онахон. – Раҳматли доим турли хилдаги гул кўчатларини олиб келарди. Баҳор фасли бошланишидан то кузгача хонадонимизни анвоий гуллар безайди. Турмуш ўртоғим оламдан ўтганларидан кейин

Ю қори Чирчиқ тумани, "Усонобод" маҳалласида истиқомат қилаётган Ибодатхон Хасанова турмуш ўртоғи вафот этгач, 9 нафар фарзандга ҳам она, ҳам ота бўлди.

Сухроброн САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати

Устоз қалбидagi ТОШҚИН

Бугун жафокаш Афғонистон ҳудудида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан беҳабар инсонни топиш қийин бўлса керак. Бу юрт ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр жангу жадаллар ичида қолган одамлар, харобага айланган қишлоқлар, яқинларидан айрилган бахтсиз болалар, қалби хавотирга тўла аянчли тақдир эгалари кўз олдимизга келади. Тинч, осуда юртда яшаётганимиз учун Яратганга шукроналар айтаемиз.

Малала Юсуфзай Нобель мукофотини олган эди, дунёни эндиликда қалам ва дафтар, яъни болалар ва, айниқса, уруш туғайли мактаблари вайронга айланган қизларнинг саводхонлиги кўтқаради, деган эди. Тақдир тақозоси билан мен ушбу мамлакат тили, маданияти, тарихи ва этнографиясига қизиқдим. Бошида шунчаки ўрганган бўлсам, вақт ўтиб бошлаган ишимга меҳр қўйдим. Эндиликда Афғонистон тақдирини мен учун бегона эмас, урушлар тинқасини кўриган афғон диёри ҳақида бирор мақола ёки маълумотга кўзим тушса, қизиқиб ўқийман, мушоҳада қиламан.

Одамийлик шеваси

эмас-да, ахир. Бизнинг ҳолатимизни сезган устоз: "Қизлар ҳаммаша ёрдамга муҳтож бўлади, сизлар мусофирсизлар, билим эгаллар, ҳаётда ўз ўрнини топинг, афғон тилини ўрганаётганингиз учун ҳақ қачон афсусланманг, ҳаётда омад ёки билим шунчаки келмайди. Ҳар бирининг ортида Яратганнинг гўзал ҳикмати бўлади. Бу уйни ижарага бериб кетсам ҳам бўлди, аммо сизлар кўз олдимдан ўтдингиз, тўлов ҳақида ўйланманг, яхши ўқисангиз бас", деди. Оталарча меҳр билан айтилган бу гапларни эсласам бугун ҳам кўзимга ёш келади. Устознинг талаффузлари мукамал эмасди. Қўлган пайтларимиз ҳам бўлган. У кишининг қалблари пок, имонлари мукамал экан. Абдулла Тошқин уруш талатўплари ичида қолиб, вайронга айланган мамлакатнинг кичик зарраси, холос. Аммо, қатъий ишонч билан айта оламки, устоз дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, қалби ва имонида она Ватан муҳаббати, аъна ва қадриятларига содиқлик гаҳвар зарралар каби жиполаниб туради. Кунлар келиб, ушбу зарралар сўнмас ёдуга, янги ҳаёт дарёсининг тўлқинли тошқинга айланиб, бу жафокаш диёрга қайта жон бахш этади. Нигора ЭЛМУРДОВА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир: **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Манзил: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилик кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир: **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Назоратчи мусахҳиҳ: **Аллома АЗИЗОВА**
Навбатчи: **Қамолитдин РУЗИМАТОВ**

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthqiqat@gmail.uz

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.30 1 2 3 4 5 6